2017 йил 10 июль, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 140 (13.473)

Баҳоси эркин нархда

## БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ЗАМИРИДА ХАЛҚИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШ МАҚСАДИ МУЖАССАМ

**Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 7 июль куни Наманган вилоятига ташриф буюрди.**

Наманган – мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланган, гўзал вилоятларидан бири. Кейинги йилларда унинг иқтисодий салоҳияти ошиб, шаҳар ва қишлоқлар обод бўлиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулот 8,7 фоиз ўсган. Бу улкан бунёдкорлик ишларига асос бўлмоқда.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида Қамчиқ довони орқали 19,2 километрлик ноёб туннелни ўз ичига олган Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли очилгани мамлакатимиз ҳаётида тарихий воқеа бўлди. Бу йўл кўплаб иқтисодий имкониятлар қатори Наманган вилоятининг муҳим транзит ҳудудига айланишини ҳам таъминлади.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йил 24 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган 2016-2019 йилларда Наманган вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастурига мувофиқ юзлаб инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Уларнинг орасида умумий қиймати 2 миллиард 1 миллион доллар бўлган Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси алоҳида ўрин тутади. Ушбу электр станцияси нафақат Наманган вилояти, балки бутун Фарғона водийсида электр энергиясига бўлган талаб ва эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади.

Поп туманида 100 мегаватт қувватга эга бўлган, умумий қиймати 210 миллион долларни ташкил этадиган қуёш электр станциясини қуриш, Мингбулоқ туманида 211 миллион долларлик "Мингбулоқ нефть-газ" конини ўзлаштириш ва бошқа инвестиция лойиҳалари вилоят иқтисодиётини янги босқичга кўтаради.

Наманганда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси изчил ривожланмоқда. Вилоят ишбилармонлари замонавий технологиялар асосида харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариб, экспортдан катта даромад топмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида 79 корхона 17,4 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилган. Экспортчи корхоналар сафига 19 янги субъект қўшилган.

Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловолди дастурида бу борадаги ишларни янада юқори босқичга кўтариш, мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Наманган вилоятини ҳам изчил ривожлантириш бўйича улкан режа ва мақсадларни баён этган эди.

Президентимиз Наманганга ташрифи давомида ана шу режалар ижроси, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва истиқболли лойиҳалар билан танишди.

Наманган – кўплаб буюк алломаларга қанот бўлган замин. Бу кўҳна юртда Махдуми Аъзам Косоний, Бобораҳим Машраб, Фазлий Намангоний, Нодим Намангоний, Муҳаммадшариф Сўфизода сингари шоир ва маърифатпарварлар туғилиб ижод қилган.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 2 ноябрь куни Наманган вилояти сайловчилари билан учрашувда Исҳоқхон Ибрат ҳақида алоҳида тўхталиб, у кишига атаб замонавий боғ яратиш, ёдгорлик мажмуаси ва "Ибрат мактаби"ни ташкил қилиш ташаббусини баён этган эди. Бу таклиф жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланиб, ҳозирги кунда қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Президентимиз ушбу мажмуа қурилишини бориб кўрди.

Бунёд этилаётган боғ одамларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришига қулайлик яратиш билан бирга маънавий оламини ҳам бойитади. Бу ерда маърифатпарвар бобомизнинг ҳайкали ўрнатилади. Музей Исҳоқхон Ибратнинг ҳаёти, серқирра фаолияти билан таништиради. "Ибрат мактаби"да ёшлар хорижий тилларни ўрганади. Буларнинг барчаси яхлит комплекс сифатида алломанинг буюк хизматларини қадрлаш, меросини ўқиб-ўрганиш ва тарғиб қилишда муҳим ўрин тутади.

XIX асрда Тўрақўрғон заминида туғилиб ўсган Ибрат домла араб, форс, рус, ҳинд, урду, инглиз, француз тилларини яхши билган, деди Президентимиз. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлиб, Шарқ ва Европа илм-фани, маданияти ва санъати билан яқиндан танишган, юртимизга илғор маданият ва техника янгиликларини олиб киришга интилган.

Ибрат домла ўлкамиздаги илк матбаачилардан бири сифатида 1908 йили Оренбург шаҳридан литографик машина сотиб олиб, уни Оренбургдан Қўқонгача поездда, Қўқондан Тўрақўрғонга туяларга ортиб, катта машаққатлар билан олиб келган ва ўз ҳовлисида "Исҳоқия босмахонаси"ни ташкил қилган. Бу маърифатпарвар инсон кўплаб илмий, педагогик ҳамда бадиий асарлар яратган, ўз қишлоғида янги мактаб ва кутубхона очган, аҳоли учун замонавий боғ барпо қилган, ҳозиргача ғоят ноёб ҳисобланадиган олти тилли луғат яратиб, ўз босмахонасида чоп эттирган. Унинг "Фарғона тарихи" асари мамлакатимиз тарихига оид нодир манбалардан биридир.

*(Давоми 2-бетда)*

**Истиқлолимизнинг 26 йиллиги арафасида жонажон Ватанимиз, тинч ва осойишта кунларимиз қадр-қимматини ифода этувчи мусиқий кечалар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилаётгани ҳар бир юртдошимиз қалбига чексиз ғурур, ифтихор бағишламоқда.**

## ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармасига қарашли ҳарбий қисмларнинг бирида "Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, олимлар, театр актёрлари, кенг жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизнинг мустақилликни қўлга киритиши Ватанимизнинг кўп асрлик шонли тарихида мутлақо янги давлат, янги жамият барпо этиш йўлини очиб берган буюк тарихий воқеа, тинч, тўкин ва фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб келаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ғояси ва ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган "Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз" тамойилига асосан мамлакатимизни модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, парламент ва сиёсий партияларнинг ролини, давлат бошқаруви тизимининг сифати ва самарасини янада ошириш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш орқали давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур тадбир ҳам Ўзбекистон мустақиллигининг 26 йиллигини муносиб кутиб олиш, истиқлол даврида эришаётган ютуқларимизни яна бир бор сарҳисоб қилиб, эл-юртимизни янги марралар сари руҳлантириш мақсадида ташкил этилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Бундай тарғибот тадбирлари кишилар онги ва дунёқарашини юксалтиришга, маънавиятини бойитишга, фаол фуқаролик позициясини, жамиятда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий воқеликка нисбатан оқилона ва тўғри муносабатни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Бугун ҳар бир фуқаронинг орзу-интилишлари рўёбга чиқмоқда, одамларнинг дунёқараши юксалиб, ҳаётга, меҳнатга муносабати тубдан ўзгармоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида инсон манфаатлари ва унинг орзу-интилишларини рўёбга чиқаришдек эзгу мақсад мужассам.

Тадбирда навқирон ҳарбийларга мустақилликка эришиш йўлидаги машаққатлар ва амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ҳаётий мисоллар асосида тушунтирилди.

**Нурилло НАСРИЕВ**

## ЖАМОАТЧИЛИК НОТАРИУСЛАР ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАДИ

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

***2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида нотариал идоралар фаолиятини автоматлаштириш, барча нотариал битимлар ҳисобини марказлашган ҳолда юритиш ва идоралараро электрон ҳамкорликни ҳисобга олган ҳолда, аҳоли ва тадбиркорларга нотариат соҳасида интерактив давлат хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган, дея хабар қилади ЎзА.***

Мазкур чора-тадбирлар ҳаётийлигини таъминлаш, соҳадаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиш мақсадида "Тараққиёт стратегияси" маркази томонидан жорий йилнинг 12-17 июнь кунлари кенг жамоатчилик ўртасида ижтимоий сўров ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 1 минг 104 фуқаро иштирок этди.

Пойтахтимизда мазкур жамоатчилик фикри сўрови якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда "Тараққиёт стратегияси" маркази экспертлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вакиллари, нотариуслар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари А.Усмонов, "Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори А.Бурҳонов ва бошқалар мамлакатимизда жамоатчилик назорати механизмларининг амалиётга фаол татбиқ этилаётгани давлат хизмати тизимини такомиллаштириш, давлат хизматчилари профессионал фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётганини қайд этди.

Жамоатчилик сўрови аҳоли ўртасида нотариал хизматларга бўлган талаб юқори эканини кўрсатди. Сўров иштирокчиларининг ҳар учинчиси сўнгги бир ойда нотариусларга мурожаат қилгани, ҳар тўртинчи респондент охирги уч ойда мазкур турдаги давлат хизматидан фойдалангани шундан далолат бермоқда.

Сўровда иштирок этганлар нотариал идоралардаги ортиқча вақт ва маблағ йўқотишлар, ходимлар сонининг камлиги, нотариусларнинг муомала маданияти ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш малакаси пастлигини тизимдаги асосий муаммолар сифатида кўрсатган.

Таҳлиллар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ишларни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда нотариал идоралар ахборот бурчакларида кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган давлат божлари миқдори аниқ кўрсатилганига қарамай, сўровда фуқароларнинг учтадан биттаси нотариал идоралар томонидан хизмат кўрсатиш тартиб-таомилларини, нотариал хизматлар учун олинадиган давлат божи миқдорларини билмаслиги маълум бўлган.

Анжуманда нотариуслар фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар хусусида маълумот берилди. Жумладан, 2018 йил 1 январдан бошлаб нодавлат нотариуслар фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Амалга оширилаётган нотариал ҳаракатларнинг қарийб ярми турли ҳужжатларни тасдиқлаш билан боғлиқлиги инобатга олиниб, мажбурий тасдиқдан ўтказилиши лозим бўлган ҳужжатлар сонини қисқартириш бўйича иш олиб борилмоқда.

Соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш юридик хизматлар сифати ва тезлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бу борада биргина кўчмас мулк билан боғлиқ амалиётларни амалга ошириш чоғида тақиқларни текшириш бўйича электрон базанинг шакллантирилгани фуқароларга, тадбиркорлик субъектларига, қолаверса, нотариуслар учун ҳам қулайлик яратмоқда.

Фуқароларнинг нотариуслар қабулига электрон тартибда ёзилишини йўлга қўйиш устида иш олиб борилмоқда. Тизим ишга тушиши натижасида мурожаат этувчиларнинг нотариал идоралар олдида навбат кутишига барҳам берилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тизимдаги нопок ходимларни аниқлаш бўйича ҳам изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган рейдлар натижасида 67 ходимга турли ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилган. Жумладан, нотариал идораларнинг 5 ходими ишдан бўшатилган, 27 нафари жиноий жавобгарликка тортилган.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига мутахассислар жавоб қайтарди.

**Беҳзод БОЗОРОВ**

Ахборот-коммуникация технологиялари

## ДАСТУРЧИЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

***Дастурий таъминот ишлаб чиқарувчилар ва экспортчиларнинг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган учрашувида мамлакатимизда ташкил этилаётган Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича инновация маркази доирасида юртимиз дастурчиларига тақдим этилаётган янги имкониятлар, иқтисодиётнинг юқори технологияли тармоқларини ривожлантириш бўйича давлатимиз амалга ошираётган чора-тадбирлар муҳокама этилди.***

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташкил этган тадбирда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси, "Uzinfocom" компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази, мамлакатимизнинг етакчи корхона ва компаниялари, АКТ соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари вакиллари, телекоммуникация технологиялари соҳаси олимлари ва мутахассислари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири вазифасини бажарувчи Ш.Шерматов сўнгги йилларда давлат бошқарувининг барча соҳаларида замонавий АКТни жорий қилиш бўйича босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар ва давлат хизматлари кўрсатиш механизмлари ахборот технологияларини ривожлантириш, "электрон ҳукумат" тизимини кенгайтириш ва амалиётга татбиқ этиш борасида салмоқли натижаларга эришиш имконини бераётганини таъкидлади. Ўзбекистонда АКТ учун дастурий таъминот маҳсулотларини халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, рақобатбардош дастурий маҳсулотлар яратишни кенгайтиришда мамлакатимиз ихтирочиларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш, АКТ маҳсулотларини экспортга етказиб беришни кўпайтириш мақсадида 2017 йил 30 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, ахборот технологиялари соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқувчиларини бирлаштирадиган Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича "Mirzo Ulugbek Innovation Center" инновация маркази ташкил этилади. Марказ экстерриториаллик принципи асосида фаолият юритади, яъни АКТ соҳасидаги корхоналар мамлакатимиз ҳудудида жойлашувидан қатъи назар, унинг резидентлари бўлиши мумкин. Мазкур принцип Ўзбекистонда АКТ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ва олий таълим муассасаларининг ахборот технологиялари маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда ички ва ташқи бозорларда сотишга қаратилган ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш учун зарур ташкилий-техник ва молиявий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича инновация марказининг асосий вазифаларидан биридир.

Инновация маркази резидентларига АКТ соҳасида рақобатдош лойиҳаларни ички ва ташқи бозорларда сотиш учун хорижий инвестицияларни жалб этишда ёрдам кўрсатилади. Бундан ташқари, марказ олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежларининг "ахборот технологиялари" мутахассислиги бўйича битирувчиларини ишга жойлаштирилишини таъминлаш, шу жумладан, иқтидорли ёшлар томонидан "старт-ап" лойиҳаларини амалга оширишда уларни қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этади. АКТ соҳасида фаолият юритадиган кадрлар марказ базасида қисқа муддатли ва ўрта муддатли ихтисослаштирилган курсларни ташкил этиш, шу жумладан, чет эл мутахассисларини таклиф этиш йўли билан малакасини оширади ва қайта тайёрланади.

Тадбирда Инновация маркази резидентларига кўплаб имтиёз ва преференциялар берилиши таъкидланди. Хусусан, улар 2028 йил 1 январгача барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни, ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод этилади. Шунингдек, улар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, ўз эҳтиёжлари учун олиб кириладиган ускуналар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, технологик ҳужжатлар, дастурий таъминот воситалари учун божхона тўловлари тўламайди (божхона йиғимларидан ташқари).

Мутахассислар иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

**(ЎзА)**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир "Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!" деб номланди. Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан ташкил этилган тадбирда вилоят ва туман ҳокимликлари вакиллари, шоир-ёзувчилар, сиёсатшунос олимлар, талаба-ёшлар иштирок этди.**

**• Нукусда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Танловда маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг халқ ансамбллари, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшлар, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари иштирок этди.**

**• Жиззах вилояти Фориш туманида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган "Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши ташкил этган тадбирда депутатлар, маҳалла раислари ва уларнинг маслаҳатчилари, фаоллари, тижорат банклари, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.**

**• Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни доирасида ҳафта давомида амалга оширилган ишларга бағишланган брифинг ўтказилди. Унда вилоят ИИБ тергов бошқармаси ходимлари маҳалла фуқаролар йиғинлари, корхоналар ва ташкилотларда жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, содир этилган жиноятлар, суд ва тергов жараёнларига алоқадор ҳолатлар бўйича атрофлича маълумот берди.**

### ЖАҲОНДА

**• Россиянинг Ульяновск областида тиниммсиз жала қуйиб, кучли бўрон туриши натижасида улкан сув тошқинлари келиб чиқиб, табиий офат бир кишининг ҳаётига зомин бўлди, 20 га яқин одам турли даражада жароҳат олди. Шу муносабат билан Ульяновскда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.**

**• АҚШ Польшага ҳаво ҳужумига қарши мудофаа тизими сирасига кирувчи Patriot ракеталарини етказиб беришни бошламоқда.**

virtual.vto@umail.uz,
gazeta-vto@umail.uz


# БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ЗАМИРИДА ХАЛҚИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШ МАҚСАДИ МУЖАССАМ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Давлатимиз раҳбари мазкур комплексни мазмун жиҳатидан такомиллаштириш, тил ўргатиш бўйича махсус мактабни Наманган давлат университети қошида ташкил этиш, бу ерда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети билан ҳамкорликда хорижий тилларни ихтисослаштирилган тарзда ўргатиш зарурлигини таъкидлади. Ўқитувчи ва ўқувчиларга барча шароитлар яратиш, бу ерда босмахона ташкил этиш, мажмуа атрофини ободонлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Атоқли маърифатпарвар аждодимиз ўзига Ибрат тахаллусини бежиз танламаган, деди Президентимиз. Унинг элу юрт тараққиёти йўлидаги фидокорона ҳаёти нафақат ўз даврида, балки бугун ҳам барчамиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлиб қолмоқда. Бу ерда шундай муҳит яратиш керакки, аллома бобомизга муносиб бўлсин. Ёшлар хорижий тилларни, аждодлари тарихини чуқур ўргансин. Пойтахтимиздаги университетлар ўқитувчилари, чет эллик мутахассислар келиб дарс берсин.

Гап ёшлар тарбияси ҳақида борар экан, бу борада шошмаслик, ёшлар ва ота-оналарнинг талаб-истакларидан келиб чиқиб, ҳар томонлама пухта ўйлаб иш тутиш керак, деди Президентимиз.

Шавкат Мирзиёев тумандаги Наманган кўчасида халқ ичига кириб, одамлар билан мулоқот қилди. Аҳоли Президентимиз ташрифидан хурсандлигини, амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиликлардан мамнун эканини изҳор этди.

Давлатимиз раҳбари Мингбулоқ туманидаги "Мингбулоқнефть" Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонасига ташриф буюрди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 11-13 май кунлари Хитойга давлат ташрифи давомида Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси директорлар кенгаши раиси Ван Илин билан учрашди. Мазкур корпорация мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазиш, Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Учрашувда юқори технологиялар соҳасидаги лойиҳалар ижросининг истиқболлари ва Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларига Хитой сармоясини жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.

"Мингбулоқ конида қидирув ва қазиб олиш" лойиҳаси узоқ истиқболга мўлжалланган кенг кўламли лойиҳадир. Лойиҳа доирасида 4 қидирув-бурғилаш қудуғи ишга туширилади ва 4 мавжуд қудуқ капитал таъмирланади.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил Давлат инвестиция дастурининг манзилли рўйхатига киритилган бўлиб, айни пайтда бош пудратчи – "Xibu Duolling Engineering" компанияси томонидан бурғилаш майдони ва вахта қароргоҳидаги тайёргарлик ишлари якунига етказилди. Жорий йилда Мингбулоқ нефть кони маъмурий биносини таъмирлаш, M15 қидирув-бурғилаш қудуғини ишга тушириш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш учун Хитой молия-тижорат институтлари киритадиган 15 миллион долларга тенг сармоя ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

Яқинда бу ерда M15 қидирув қудуғи ишга туширилди. Қудуқда бурғилаш ишлари катта – 6 минг метргача чуқурлик, аномал босим – 1200 атмосфера босими ва коллекторларнинг геологик мураккаб тузилиши шароитида олиб борилиши энг замонавий муҳандислик ечимларини тақозо этади. 25 йилга мўлжалланган ва умумий қиймати 255 миллион доллардан ортиқ бўлган ушбу лойиҳа натижасида Мингбулоқ нефть конидан йилига 200 минг тонна суюқ углеводород қазиб олиш режалаштирилган.

M15 қидирув-бурғилаш қудуғининг ишга туширилиши билан 130 дан зиёд иш ўринлари яратилди.

Президентимиз ушбу корхона мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Қурувчилар ва хитойлик мутахассислар билан суҳбатлашди.

Шу ерда Фарғона водийсида ўтказилган геологик қидирув ишлари натижалари ҳақида маълумот берилди. Қидирув ишлари кўплаб турдаги табиий бойликларни аниқлаш имконини берди. Келгусида уларни ўзлаштириш бўйича замонавий корхоналар ташкил этилади.

Наманган вилоятида қуриладиган гидроэлектр станциялари лойиҳаси ҳам намойиш қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги "2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Наманган вилоятида умумий қуввати 38,5 мВт, ишлаб чиқариш қуввати 150,8 миллион кВт соатни ташкил этувчи кичик гидроэлектр станцияларини қуриш кўзда тутилган. Жумладан, Учқўрғон тумани ҳудудида Катта Фарғона каналида кичик ГЭСлар каскадини қуриш режалаштирилган.

Президентимиз сувдан энергия олиш табиат инъом этган имконият, бундай энергия қайта тикланиши, экологик тозалиги ва арзонлиги билан афзал эканини таъкидлади. Хитой тажрибаси асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудида кичик гидроэлектр станциялари қурилиши, келгусида электр таъминотининг катта қисми ушбу манбалар ҳисобидан қопланишини қайд этди.

Сув тозалаш иншоотлари барпо этиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш қамровини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Тўрақўрғон туманидаги "Gold Fresh Fruits" масъулияти чекланган жамиятида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳалари билан танишди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги, айниқса, чорвачилик, паррандачилик, боғдорчиликни ривожлантириш, бу борада янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилаётган алоҳида эътибор озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

"Gold Fresh Fruits" МЧЖда 482 гектарлик интенсив боғ ташкил этилган. 300 дан зиёд киши меҳнат қилаётган жамиятда гилос, олхўри, шафтоли, хурмо ва ўрик кўчатлари парваришланмоқда. 104 гектар ер гилос кўчати экиш учун тайёрланмоқда.

Корхона ҳудудида 2018 йил охиригача яна 400 гектардан ортиқ майдонда гилос боғи ташкил этиш режалаштирилган. Бунинг учун 45 миллион доллар маблағ сарфланади. Бир йилда 10 минг тоннадан ортиқ маҳсулот етиштириш, 30 миллион долларлик экспорт қилиш кўзда тутилган. Корхонада 6,5 гектарда мева-сабзавотларни қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш логистика маркази ташкил этиш мўлжалланган. Натижада 300 янги иш ўрни яратилади.

Биринчи Президентимизнинг 2015 йил 29 декабрдаги 2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори бўйича Халқ банки қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Банкнинг молиявий кўмагида Тўрақўрғон туманида ташкил этиладиган 2 минг бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплекси ва сутни қайта ишлаш лойиҳаси шулар жумласидандир. Лойиҳа қиймати 11,8 миллиард сўмлик ушбу комплекснинг ер майдони 510 гектар бўлиб, шундан чорва моллари учун озуқа маҳсулотлари етиштиришга 500 гектар, қурилиш ишлари учун 10 гектар ер ажратилиши режалаштирилган. Комплексда йилига 4 минг 280 тонна сут, 150 тонна гўшт етиштирилади. Лойиҳани 2018 йилнинг учинчи чорагида ишга тушириш мўлжалланган.

Шу ерда Учқўрғон туманидаги "Muhammadali hamkor biznes" масъулияти чекланган жамиятида 10 гектарда иссиқхона ва томат пастаси ишлаб чиқариш заводи, Наманган шаҳридаги "Jahon javohiri invest" ва Поп туманидаги "Namangan agro logistic" МЧЖларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ҳамда иссиқхона ташкил этиш лойиҳалари тақдимоти ҳам ўтказилди.

Юқори технологиялар асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, боғдорчиликни ривожлантириш, айниқса, гилоснинг серҳосил, эртапишар навларини экишни кўпайтириш керак, деди Президентимиз.

Шавкат Мирзиёев Поп туманидаги "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига қарашли Кўмир брикети ишлаб чиқариш заводига ташриф буюрди.

Мамлакатимизда энергетика соҳаси изчил ислоҳ этилмоқда. Энергия манбалари диверсификация қилиниб, аҳоли ва ташкилотларга бир неча турдаги энергия етказиб бериш чоралари кўрилмоқда.

Поп туманида шу соҳадаги яна бир корхона ишга туширилди. Қиймати 7 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳа натижасида йилига 500 минг тонна кўмир брикети ишлаб чиқарилади. Корхонада 160 иш ўрни яратилди.

Президентимиз брикет ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди. Маҳсулотнинг нархи, самарадорлиги билан қизиқди. Заводда кўмир кукуни замонавий технология асосида қайта ишланиб, қуввати юқори моддалар билан бойитилади, ҳид ва зарарли газлардан тозаланади, ташиш учун қулай қилиб қадоқланади.

Завод маҳсулотларини мамлакатимиз ҳудудларига тарқатиш пунктлари ташкил этиш, брикет ва уни ёқишга мос печларни аҳолига етказиб бериш, бунинг учун имтиёзли кредитлар ажратиш кераклиги таъкидланди.

Бу ерда "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди. Наманган вилоятида 2017-2018 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга 200 миллион долларлик инвестиция йўналтирилмоқда.

Бундан мақсад – аҳолини арзон, сифатли, кенг турдаги қурилиш материаллари билан таъминлаш, янги иш жойлари очиш. Бундай материаллар кўп ва арзон бўлса, одамлар уй-жой қуради, янги мактаб ва шифохоналар, корхоналар, йўллар бунёд этилади. Халқимиз фаровонлиги янада ошади.

Поп туманида цемент, шифер, асбест қувурлар, бетон ва ярим синтетик мойлаш материаллари, Косонсой ва Янгиқўрғон туманларида цемент, Наманган шаҳрида керамик плита ва сантехника маҳсулотлари, Поп, Тўрақўрғон, Уйчи, Янгиқўрғон туманларида пишиқ ғишт, Чуст туманида пардозлаш тошлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Чуст туманида қурилаётган Ўсимликларни ҳимоя қилувчи кимёвий воситалар ишлаб чиқарувчи завод фаолияти билан танишди. "Ифода агро кимё ҳимоя" масъулияти чекланган жамияти ўз маблағи ва "Ҳамкорбанк" кредити ҳисобидан бунёд этаётган ушбу заводда қишлоқ хўжалиги экинларини турли касалликлардан ҳимоя қилувчи 28 турдаги кимёвий препаратлар ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган. Корхонанинг лойиҳа қиймати 6,5 миллион долларни ташкил этади.

Ушбу завод ишга тушганидан кейин кимёвий препаратларни хориждан келтиришга эҳтиёж қолмайди, бундай маҳсулот билан мамлакатимизни тўлиқ таъминлаш, ҳатто уни экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади.

Президентимиз препаратларни тайёрлашда илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, маҳсулотлар сифатини яхшилаш, экспортни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Шу ерда Наманган вилояти ҳудудидаги паст рентабелли адирларда ёнғоқзор, пистазорлар бунёд этиш, пахта ва ғалла майдонларини камайтириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, ковул экишни ташкил қилиш, паррандачилик ва эчкичиликни ривожлантириш лойиҳалари тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари кам ҳосил берадиган, зарар кўриб ишлаётган туманларда пахта майдонларини кескин камайтириш, унинг ўрнига юқори даромад берадиган мева-сабзавот, полиз экинлари экиш лозимлигини таъкидлади. Токи одамларимиз меҳнатининг роҳатини кўрсин, ҳаётидан рози бўлсин.

Мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида, жумладан, Наманган вилоятида ўсадиган ковул барги, меваси ва томир пўсти табобатда қўлланилади. Турли шишларни даволаш, нафас қисиши, талоқ қотиши, қуртларни ҳайдаш, полиартрит, бўқоқ каби касалликларни даволашда ишлатилади. Жорий йил вилоятда 3 минг гектардан зиёд майдонда ушбу ўсимликни экиш режалаштирилган. Кам харажат ва оз меҳнат талаб қиладиган мазкур ўсимликдан йилига тўрт марта ҳосил олиш мумкин.

Ковул етиштириш бўйича илмий асослар ишлаб чиқиш, экспорт қилиш механизмини яратиш, вилоятда ковулчиликни ривожлантириш бўйича ассоциация ташкил этиш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари Чорток туманидаги Султон Увайс Қараний зиёратгоҳини реконструкция қилиш лойиҳаси билан танишди.

Султон Увайс Қараний зиёратгоҳи Наманган вилоятидаги муборак масканлардан биридир. Қадамжо мақбара, масжид, рамзий дарвоза ва музейдан иборат.

Қадамжони қадимий усулда таъмирлаш, кенг ва обод зиёратгоҳга айлантириш, зиёратчиларга зарур шароитлар яратиш, кутубхона ташкил этиш бўйича тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Чорток туманидаги чегара постини бориб кўрди.

Постда ҳарбийларимиз учун барча зарур шароитлар яратилган.

Президентимиз чегара постида хизмат қилаётган ҳарбийлар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари Янгиқўрғон туманидаги "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғинида маҳалла аҳли билан суҳбатлашди. Фуқаролар маҳалла тизимига қаратилаётган алоҳида эътибор жамиятда маънавий муҳитни, одамларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Наманган шаҳрида Президентимиз раислигида мутасадди раҳбарлар ва вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда вилоят иқтисодиётини янги босқичга кўтариш, инфратузилмани ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу тадбирларда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастуридаги мақсад-вазифалар ўз ифодасини топди.

**ЎзА**

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ КЕНГАЙМОҚДА

***Олмазор тумани саноат зонасида фаолият юритаётган кичик корхоналар орасида "Стандарт электро техника" масъулияти чекланган жамиятининг ҳам алоҳида ўрини бор.***



2006 йилда ўнга яқин ишчилар билан иш бошлаган корхонада бугунги кунда 50 дан ортиқ ишчи-ходимлар меҳнат билан банд. Кичик корхонада асосан электронимстанция, электр бутловчи қисмлар, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади.

– Ишлаб чиқариш кўрсаткичларимизни йилдан йилга ошириб боришга ҳаракат қилаяпмиз. – дейди биз билан суҳбатда "Стандарт электро техника" МЧЖ нинг тижорат ишлари бўйича директори Шоҳруҳ Самандаров. – Биргина корхонамиз ишчилари томонидан ўтган 2016 йилда 4 ярим млрд. сўмдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

Шу йил охирига қадар корхона ишчилари 7 млрд. сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган. Шу йўлда 2017 йилнинг 6 ойлигида 3 ярим млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

800 квадрат метр жойни эгаллаган корхонада асосан олий маълумотли ўз ишининг усталари бўлган мутахассислар, коллежни битириб келган ёшлар меҳнат қилишади. Улар учун зарур шароитлар яратиб берилган.

Корхона ўз маҳсулотлари билан турли танловларда ҳам иштирок этиб келмоқда. 2016 йилда бўлиб ўтган "Ташаббус" кўрик-танловида корхона "Энг яхши инновацион лойиҳа" йўналиши бўйича туманда фахрли биринчи ўринни эгаллади.

Корхона маҳсулотларига бўлган талаб кундан кунга ошиб бормоқда. Жорий йилда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳридан икки гектарлик жой олиб, МЧЖ ўз филиалини қуриш ишларини режалаштираяпти. У ерда учта лойиҳа тўлиқ ишга тушса, яна 50 га яқин киши иш билан таъминланади. Бундан ташқари корхона ёнида янги цех қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлик соҳаси йилдан йилга ривожланиб бораётган даврда кичик корхонанинг маҳсулотларига талаб ортиб, унинг сифати ва салмоғига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

**Жасур ЭЛИМОВ**

***Шу йилнинг 23–27 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида Пахта бўйича Халқаро консультатив қўмитанинг "Глобаллашув ва технологик тараққиёт даврида пахта" мавзусидаги 76-ялпи мажлиси ва XIII Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтади.***

# ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШ

## МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ОШИРАДИ

Бундай кенг қамровли тадбирнинг Ўзбекистон Республикасида ўтказилиши мамлакатимизнинг жаҳон пахта ва тўқимачилик аренасидаги юксак мавқеидан, унинг пахта ва тўқимачилик саноати тенденциялари ҳамда истиқболларини белгилаб берувчи, жаҳонда тола, йигирилган ип ва тайёр тўқимачилик маҳсулотлари билан савдо қилиш қоида ва тартибларини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи дунё пахта марказларидан бирига айланиб бораётганидан дарак беради.

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси томонидан жаҳон бозорида ўзбек пахта саноати нуфузини янада ошириш борасида компания томонидан амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжуманида алоҳида қайд этиб ўтилди.

Ушбу йиғилиш ва ярмарка ишида дунёнинг 44 дан ортиқ мамлакатидан 1500 га яқин хорижий меҳмон ҳамда маҳаллий мутахассисларнинг иштирок этиши кутилмоқда. Маълум бир мамлакатларда пахта ва тўқимачилик соҳаси ривожланиши, жаҳон пахта бозори тенденциялари, савдо, логистика ва суғурта масалаларига бағишланган очиқ ва мавзули сессиялар ўтказилиши назарда тутилган. Пахтанинг селекцион навларини яратишнинг генетикаси ва биотехнологияси, пахта етиштириш агротехникаси, уни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш масалалари ҳам кенг муҳокама этилади. Пахтага бирламчи ишлов бериш, пахта толаси сифатини инструментал баҳолаш, уни тўқимачилик йўли билан қайта ишлаш соҳаларидаги муаммо ва ютуқларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳозирги кунда "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқиб, пахтачилик соҳасини ривожлантириш бўйича ўз олдига янги вазифа ва режаларни белгилаб олган. Таъкидланганидек, стратегиянинг асосий йўналишларини амалга ошириш бўйича аниқ ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, "Ўзбекистон Республикасида пахтачилик соҳасини ривожлантириш Концепцияси" доирасида олиб борилмоқда. Мазкур ҳужжатда 16 та йўналиш бўйича соҳа имкониятларининг тизимли кўрсаткичлари белгилаб берилган.

Мамлакатимизда пахта хомашёсини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, пахтага бирламчи ишлов бериш техника ва технологиясини оптималлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар яхши самара бермоқда. 2016 йилги мавсумда "Олий" ва "Яхши" навдаги толанинг улуши умумий пахта толасининг 92 фоизини ташкил этди. Бу эса олдинги йилдаги кўрсаткичдан 10 фоиз кўп демакдир. Ёғ-мой ишлаб чиқариш соҳасида ҳам техник қайта жиҳозлаш бўйича дастурлар амалга оширилди. Қайта ишлаш учун пахта чигитини навига қараб қабул қилишнинг дифференцияланган тизими жорий этилди. Бу эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатининг яхшиланишига ҳамда олинаётган хом мой миқдорининг ошишига олиб келди.

Анжуманда компания томонидан ишлаб чиқариш жараёнларига замонавий ахборот технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги айтиб ўтилди. "Мониторинг марказлари"ни ташкил этиш ҳамда пахта чигити ва ёғли экинларни тайёрлаш, уларни навлар бўйича жойлаштириш, режали агротехник операцияларни амалга ошириш бўйича жараёнларни ҳисобга олишни компьютерлаштиришнинг комплекс интеграцияланган ахборот тизимларини жорий этиш ишлари якунланди. Пахта ва ёғли экинлар етиштириш билан шуғулланадиган 50 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари кесимида пухта ҳисоб-китоб олиб борилмоқда. Пахта толасини қайта ишлаш, уруғлик чигит етиштириш жараёнларининг мониторинги дастурлари жорий этилди. Улар молиявий ҳисоб ва ҳисоботни юритиш, ходимларни бошқариш, ишлаб чиқариш-технологик жараёнларни тезкор назорат қилиш имконини беради. "Он-лайн" режимида тезкор маълумотларни олиш учун ана шундай тизимлар пахта тозалаш корхоналари, ёғ-мой заводлари, шунингдек, пахта терминалларида ҳам жорий этилди.

Тадбирда корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, инфратузилмани тезкор ривожлантириш ва шу асосда ишлаб чиқарилаётган пахта маҳсулотлари сифатини ошириш "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компаниясининг доимий ва асосий вазифаси эканлиги таъкидланди.

**Абдували СОДИҚОВ**

**Қарор ва ижро**

# ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ – ДАВР ТАЛАБИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги "Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида ижрочилар ва аҳолини хабардор қилиш сифатини оширишга хизмат қилмоқда.***

– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида ҳудудий бўлимлари ташкил этилди, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент шаҳар адлия бошқармаси тарғибот ва ҳуқуқий маърифат бўлими бошлиғи Севара Зокирова. – Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгашнинг янгиланган таркиби тасдиқланди.

Мазкур қарор билан ташкил этилган бошқарма зиммасига ижрочилар ва аҳолини қонунларнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида хабардор қилиш вазифаси юкланган. Ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш, ахборотдан кенг фойдаланишни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш ҳудудий комиссияларнинг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Бу борада комиссия аъзолари Тошкент шаҳридаги туманларга бириктирилиб, жойларда кенг қамровли тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Таълим муассасалари, маҳаллалар ва бошқа ташкилотларда учрашув, давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармасида бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг масъул ходимлари томонидан ўтказилган ўқув-амалий семинарда "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонуннинг моҳияти, тадбиркорлик субъектларида текширишлар ўтказиш тартиби, текширишларни рўйхатга олиш китобининг электрон шаклини тўлдиришдаги муҳим жиҳатлар тушунтирилди.

Тошкент шаҳридаги нотариал ва ФҲДЁ идоралари масъул ходимлари пойтахтимиздаги маҳаллаларга бириктирилди. Улар томонидан маҳалла фуқаролар йиғинларида учрашувлар ўтказиш ҳамда аҳолини қизиқтираётган саволларга мутахассислар томонидан белгиланган тартибда тушунтиришлар бериб бориш амалиёти жорий қилинди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларга қабул қилинган янги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида маҳаллаларда ҳафтада бир марта "Ҳуқуқий билимлар" ўқув-машғулотлари ўтказилмоқда. Машғулотларга олимлар, турли соҳа мутахассислари жалб этилаётир. Тошкент шаҳридаги 505 маҳаллада "Ҳуқуқий билимлар" ўқув-машғулотларини ўтказиш бўйича режа тасдиқланди.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган бу каби чора-тадбирлар мамлакатимиз ва жамиятимиз ривожига, фуқароларнинг фаровон ҳаётини таъминлашга, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Зеро, ҳуқуқий маданият тараққиётнинг муҳим омилларидан биридир.

**Г.САТТОРОВА**

***2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан янгилаш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратишга доир муҳим вазифалар белгиланган.***

**Тиббиёт**

# ШАРҚ ТАБОБАТИГА БАҒИШЛАНДИ

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 5 январь ва 7 февраль кунлари соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан бўлган учрашувларида, Президентимиз раислигида 30 март куни ўтказилган видеоселектор мажлисида тизимдаги мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, соҳа ривожини янги босқичга олиб чиқиш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари томонидан соғлиқни сақлаш ва олий тиббий таълим тизимини комплекс ривожлантиришнинг энг муҳим вазифалари белгилаб берилди.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат стоматология институти Республика 2-клиник шифохонаси, Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси, Жанубий Кореянинг Пусан Миллий университети билан ҳамкорликда кенг кўламли тадбирларни амалга оширмоқда. Шу кунларда Корея Республикасидан келган мутахассислар иштирокида аҳолини соғломлаштириш бўйича тиббий кўриклар, шифокорлар учун маҳорат дарслари ўтказилаётир.

Тошкент давлат стоматология институтида Шарқ табобатига бағишланган анжуман ўтказилди. Унда Тошкент давлат стоматология институти ректори Жасур Ризаев, Корея Республикаси халқаро ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Им Жонг Хи ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасида тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлик йилдан-йилга ривож топиб, юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

– Табобат илмининг султони Ибн Синонинг "Тиб қонунлари" асари асрлар ўтса-да, ўзининг мавқеини йўқотган эмас, замонавий тиббиётнинг ривожланишида асос бўлиб хизмат қилаётир, – дейди ЎзА мухбирига Жанубий кореялик шифокор Жун Же Ли. – XV-XVI асрларда яшаган Хео Жуннинг асарлари ҳам Шарқ табобатининг хазиналаридан саналади. Мамлакатларимиз тиббиётида, жумладан, халқ табобатида ўзаро муштарак жиҳатлар кўп. Бунда беморлар кимёвий дори воситалари ва жарроҳлик амалиётисиз гиёҳлар, игна, зулук ёрдамида табиий усулда даволанади. Еттинчи маротаба ўтказилаётган мазкур конференция ҳамкасбларимиз билан ўзаро тажриба алмашишимизга кўмак бермоқда.

Тадбирда ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, мутахассислар малакасини оширишга кўмаклашиш, ўзаро манфаатли алоқаларни янада жадаллаштириш мақсадида Тошкент давлат стоматология институти ва Пусан Миллий университети ўртасида меморандум имзоланди.

**М.ҚОСИМОВА**

**Ёшлар — келажагимиз**

# ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ БАРКАМОЛ АВЛОД

***Маънавияти юксак миллат ҳар қандай оғир шароитда ҳам тўғри ва адолатли ечимларни топа олади. Бундай юксак даражага эришган халқнинг келажаги, шубҳасиз, порлоқ бўлади.***

Агар оилада ҳам маънавий муҳит ўрнак бўладиган даражада, фарзандлар миллий қадриятларимизга хос анъаналар руҳида тарбияланаётган бўлса, улар ҳеч қачон ота-оналарини, яқинларини ва маҳалла-кўй юзини ерга қаратмайди. Шу боисдан ҳам халқимиз азал-азалдан оилада фарзанд туғилиши биланоқ унинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор билан қарашган.

Оила мактаби орқали ўсиб келаётган ёш авлод онги, шуури, маънавиятида миллий ғоя, Ватан туйғуларини қарор топтириш лозим. Зеро, оилага садоқат, ота-онага ҳурмат, ака-укаларга меҳр Ватан туйғуларининг дебочаси ҳисобланади. Оилага садоқати бўлмаган фарзандларнинг ота-онага, қариндош-уруғига, яқинларига ҳам эътибори бўлмайди. Шу боис ҳам аждодларимиз оила деб аталмиш улкан қўрғонга алоҳида эътибор қаратиб, миллий қадриятларимизни, маънавиятимизни ёш авлодларга етказишга ҳаракат қилган.

Афсуски, ҳозирги вақтда ахлоқ нормаларига тўғри келмаган жиҳатларни маданият деб билиш, асл маънавий қадриятларни эскилик сарқити деб қарашларнинг пайдо бўлиши турли ёт ғояларнинг ҳаётимизга кириб келишига замин яратмоқда.

Мамлакатимизга суқилиб кириб келган экстремистлар, ақидапарастлар тушкунликка тушган, ишсиз юрган, эътиқоди, маънавий дунёқараши суст одамларни танлаб олиб уларни ўз домига тортмоқда. Мазкур салбий ҳолатлар жамиятимиз тараққиёти, аҳолимиз тинчлиги, осойишталигига таҳдид солмоқда, баъзи ёшларимиз уларнинг домига тортилмоқда. Ушбу таҳдидлардан қутулиш йўли қандай? Аввало ёшларимизнинг маънавий салоҳиятини шакллантириш, улар қалбига миллий истиқлол ғояларини сингдириш, турли динлар, уларнинг таълимотлари борасидаги билимларини ошириб бориш лозим. Яъни, бугунги кунда ёшларимизни бадиий адабиётга қизиқтириш орқали улар қалбида миллий истиқлол ғояларини янада чуқурроқ сингдиришга эришилмоқда.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, бугун дунёдаги катта-кичик ҳар бир мамлакат она сайёрамизнинг дуч келган чорраҳасида ўз манфаатини қидириб, дунёвий воқеа-ҳодисаларга шу манфаати дарчасидан қараган ҳолда баҳо бераётган экан, демак, янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга тўғри келади. Негаки, иқтисодий, ҳарбий тазйиқни сезиш осон, аммо мафкуравий тазйиқ кўринмас ва сезилмас бир офат сифатида халқ, миллат ҳаётига аста-секин кириб келади ва чуқур илдиз отади. Иқтисодий тангликни ҳамжиҳатлик билан кўрилган чора-тадбирлар туфайли енгиш мумкин, аммо маънавий тангликни енгиш осон кечмайди. Бунинг сабаби, нияти холисликдан йироқ кучлар бугунги глобаллашув замонида ўзга бир халқ, миллат маънавиятига қарши кураш бошлар экан, бир қарашда беозор кўринадиган "мафтункор, жозибали" воситалардан, жумладан, интернет, радио ва телевидение имкониятларидан, чиройли кўриниш ва манзараларга ўралган кино маҳсулотларидан ғоятда унумли фойдаланади. Бунда асосий куч ёш авлод онги ва қалбига таъсир ўтказиш, уларни тўғри йўллардан оғдиришга қаратилади. Бу курашнинг яна бир мақсади ўзга бир халқ, ўзга бир миллат ҳаётига ўз қадриятларини сингдиришга уринишдир.

Биз ёшлар билиб-билмай, одоб-ахлоқимизга, маънавиятимизга, миллий менталитетимизга ёт нарсаларни фарқламай, бемалол тарғиб қилаверамиз. Бугун биз эътибор бермаётган ғайриахлоқий реклама роликлари, "оммавий маданият"ни тарғиб қилувчи клиплар, уларнинг таъсирида ўзимизда ҳам пешма-пеш яратилаётган клип қўшиқлар, болаларга мўлжалланган айрим ўйинчоқлар, "Ўзинг бўя" қабилидаги китоб маҳсулотлари, айрим жангари мультфильмлар замиридаги яширин ният эртага ёшлар онгини зарарли чирмовуқ янглиғ ўраб олиши, дунёқарашини чалғитиши аниқ.

Шу боисдан ҳам юртимизда маънавий-маърифий соҳага қаратилаётган эътиборнинг юксак даражада эканлиги ҳам бежиз эмас.

Умуман олганда ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтириш, улар қалбида ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз руҳида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Алқисса, таълим муассалаларида ёшлар ўртасида турли ёт ғояларнинг олдини олиш, "оммавий маданият"нинг салбий оқибатларини очиб берувчи тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш лозим. Шунингдек, бу борада нафақат таълим муассасалари, балки маҳалла фаоллари, ота-оналар ҳам фаол иштирок этишлари керак. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида турли тўгаракларга жалб қилиш, иқтидорларини намойиш этишга яқиндан ёрдам бериш, турли кўрик-танловларнинг жорий этилиши ижобий самара беради. Шундагина, йўлимизни жаҳолат шамчироғи эмас, балки, эзгулик, ёруғ келажак нури ёритгай.

**Моҳира МАҲСУДОВА,**
**Тошкент фармацевтика институти талабаси**

***Дунё миқёсида чиқиндилар муаммоси энг долзарб экологик масалалардан бирига айланиб бормоқда. Таҳлилларга кўра, сўнгги йилларда маиший ва саноат чиқиндиларининг йилдан-йилга ортаётгани ер юзидаги экологик барқарорликка салбий таъсир кўрсатмоқда. Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда чиқиндиларнинг 900 га яқин тури қайд этилган. Ҳар йили дунёда чиқиндилар ҳажми 3 фоизга кўпаймоқда.***

# САМАРАЛИ ТИЗИМ ЯРАТИЛМОҚДА

Атроф-муҳитни ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларидан муҳофаза қилиш табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик тоза технологияларни амалиётга татбиқ этиш муаммолари билан узвий боғлиқдир. Кўп асрлар давомида чиқиндиларни нотўғри бошқариш табиий ресурслар ўзгаришига, табиат ҳодисаларининг бузилишига сабаб бўлмоқда. Бу чиқиндиларнинг 80 фоизини органик моддалар ташкил қилади ва уларни қайта ишлаш натижасида катта миқдордаги энергия ва энергия ташувчиларни ишлаб чиқариш мумкин. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси унинг 85 фоизини қайта ишлаш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Чиқиндиларни қайта ишлаш электр энергияси ва сувдан фойдаланишни бир неча баробарга камайтиради. Масалан, макулатурадан қоғоз олиш нафақат дарахтларнинг кесилишини камайтиради, балки электр қувватининг сарфини тўртдан уч қисмга қисқартиради. Бир тонна қоғозни қайта ишлаб чиқаришга уни ёғочдан тайёрлаш учун кетадиган сувнинг ярми сарф бўлади.

Тобора кўпайиб бораётган электрон чиқиндилар ҳам инсониятга хавф солмоқда. Ҳар йили ер юзида 2 миллион тоннага яқин электрон чиқинди пайдо бўлмоқда. Мисол учун, биргина мобиль алоқа воситаси 500 тадан 1000 тагача турли қисмлардан ташкил топган. Уларнинг кўпчилиги заҳарли оғир металлар – қўрғошин, симоб, кадмий ва бошқа хавфли кимёвий моддаларни ўз ичига олади.

Бугунги кунда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган изчил экологик сиёсат юритилмоқда. Экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича муҳим ҳуқуқий, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни бевосита тартибга солувчи 15 дан зиёд қонун, табиий ресурсларнинг айрим турларидан фойдаланиш механизмлари ва шартлари, шунингдек, давлат экологик экспертизасини амалга ошириш, турли тоифадаги қўриқланадиган ҳудудларни ташкил қилиш ва уларда алоҳида фойдаланиш режимини ўрнатиш тартиб-таомиллари ва бошқа масалаларни белгилаб берган 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 21 апрелдаги "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларида чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, уларни тўплаш, сақлаш, ташиб кетиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, кўмиш ва реализация қилиш бўйича назорат инспекциялари ташкил этилган.

Чиқиндиларни қайта ишловчи ва утилизация қилувчи корхоналарга камчиқимли технологияларни олиб кириш соҳани ривожлантиришнинг энг самарали усули ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимиздаги 300 га яқин корхона қоғоз, пластик, резина, шиша, металл ва бошқа иккиламчи чиқиндиларни қайта ишламоқда.

"Тошрангметзавод" акциядорлик жамияти рангли металларни йиғиш ва қайта ишлаш соҳасида ихтисослашган корхона бўлиб, замонавий асбоб-ускуналар, илғор технологиялар билан таъминланган. Юқори малакали ходимлар фаолият кўрсатмоқда. Завод рангли металл парчалари ва чиқиндиларни йиғиш, рангли металларга бирламчи ишлов бериш, ишдан чиққан қўрғошинли аккумуляторларни тўплаш ва уларни қайта ишлаш билан шуғулланади. 2016 йилда корхона томонидан 180 тонна электрон чиқинди қайта ишланди.

Корхона TUV:ISO 9001-2008 стандарти бўйича сертификатланган. BID (Business Initiative Direction) халқаро мукофотига сазовор бўлган. Корхонада сифат менежменти ва сифатни бошқаришнинг намунали тизими шаклланган.

Маиший чиқиндиларни тўплаш, ташиш, қайта ишлаш, утилизация қилиш ва кўмиш ишларининг самарали тизимини ташкил қилиш экологик муаммоларни бартараф этиш билан бирга мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам фойда келтиради.

**Нурилло НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# МАҲАЛЛАНИНГ СПОРТЧИ ЁШЛАРИ КУЧ СИНАШМОҚДА

***Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги маҳаллаларда ёшлар ва вояга етмаган болалар ўртасида спортнинг футбол, стол тенниси, шахмат ҳамда шашка турлари бўйича мусобақалар ўтказилмоқда.***



Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва Ёшлар иттифоқининг Миробод тумани бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада 400 дан ортиқ ҳаваскор спортчи ғолиблик учун курашмоқда.



Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида элимиз суйган хонандаларнинг куй-қўшиқлари, ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари иштирокчиларга қувонч улашди.

**Ж.ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

***Истеъмолчи сифатида ҳаммамиз ҳам дўконга кириб эҳтиёжимизга керакли маҳсулотларни харид қиламиз. Кўпинча харид қилаётган маҳсулотимиз сифатлими, ҳужжати борми, дея қизиқиб ўтирмаймиз. Ноқонуний ҳамда талабга жавоб бермайдиган усулда тайёрланган маҳсулот қатор салбий жиҳатлари билан турмуш тарзимизга таъсир кўрсатиб, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Масаланинг ана шу жиҳати муҳим. Негаки, яроқсиз маҳсулот инсон соғлиғига жиддий хавф солиши мумкин.***

# ИНСОФНИ УНУТГАНЛАР

Ҳужжатсиз, сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари савдосига чек қўйиш нафақат тегишли идораларнинг, балки барчанинг фуқаролик бурчидир.

Пўлатбек Тожиев (исм-фамилия ўзгартирилган) ва бошқалар қинғир ишга қўл урганлар тоифасидан. Гап шундаки, улар дори-дармон билан "бизнес" қилишмоқчи бўлишди. Пўлатбек Тожиев шериклари билан жиноий тил бириктириб, давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолияти билан ноқонуний шуғулланган. Қолаверса, дори-дармон савдоси лицензия олиниши шарт бўлган фаолият турларидан биридир. Бироқ улар бундан ҳам кўз юмишди.

Учтепа туманида ўтказилган тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари дори-дармон воситаларининг ноқоқонуний савдоси билан шуғулланувчи фуқаролар фаолиятига чек қўйишди. "Бизнесменлар" текширув ўтказилган кунгача жуда кўп миқдорда, яъни 7.290.000.000 сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган дори воситаларининг савдоси билан шуғулланишган. Натижада улар ноқонуний фаолият давомида 720.000.000 сўмлик назорат қилинмайдиган даромад олганликлари аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ҳаракатлари олиб борилди.

Фойда олиш мақсадида қинғир ишга қўл урганлар бугун афсусда. Негаки, Пўлатбек Тожиев ҳамда унинг шерикларининг "иши" судда атрофлича кўриб чиқилиб, жазо белгиланди. Агар ҳуқуқбузарлар калта ўйлашмаганида эди, ўзларига ташвиш орттирмаган бўлардилар. Қиссадан ҳисса шуки, халқ манфаатларини ўйламай қонунни бузганлар албатта жазоланади. Ахир халқимизда "кўза кунда эмас, кунида синади" деган ибратли мақол бежизга айтилмаган.

**Мавлон ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Учтепа туман бўлими катта суриштирувчиси**

